



Сталин ва Гитлер 1939 йил 23 август куни тузган Молотов–Риббентроп пакти (СССР ва Германия ўртасидаги хужум қилмаслик шартномаси)дан сўнг, икки тараф Шарқий Европани ўзаро "бўлиб олиш"га келишиб олган эди. Бу шартномага махфий қўшимча протокол ҳам қиритилган бўлиб, у Шарқий Европадаги айрим худудларни қайси давлат босиб олиши қарорларини белгилаб қўйган.

Сталин қайси жойларни босиб олган?

1. Шарқий Польша (17 сентябр, 1939)

Гитлер 1 сентябрда Польшага хужум қилганидан сўнг, Сталин ҳам 17 сентябрда Польшага хужум қилди ва Шарқий Польшани СССР таркибига қўшиб олди.

Бу худудда бугунги Беларус ва Украина худудларининг бир қисмига айланди.

2. Балтика давлатлари (Эстония, Латвия, Литва)

СССР ушбу уч давлатни аввал "ўзаро ёрдам шартномалари"га мажбурлаб имзо қўйдирди (1939 йил кузи), сўнг 1940 йилда уларни тўлиқ аннексия қилди, яъни Совет Иттифоқига қўшиб олди.

3. Бессарабия ва Шимолий Буковина (1940, Руминиядан)

СССР 1940 йилда Руминияга босим ўтказиб, Бессарабия ва Буковина худудларини олиб қўйди.

Бу худудлар бугунги Молдова ва Украинанинг жанубий қисми ҳисобланади.

4. Финляндиянинг Карелия худуди (Кишки уруш натижасида)

СССР 1939 йилда Финляндияга хужум килди (Кишки уруш). Урушдан сўнгги 1940 йилдаги Москва шартномасига кўра, СССР Карелия, Выборг ва бошқа худудларни кўшиб олди.

1939–1940 йиллар давомида, Сталин куйидаги жойларни босиб олган:

- Шаркий Польша
- Эстония, Латвия, Литва
- Бессарабия ва Буковина (Руминиядан)
- Карелия ва Выборг (Финляндиядан)

Бу ҳаракатлар совет ташки сийосатининг тажовузкор ва экспансионист (худудни кенгайтиришга қаратилган) табиатига далолат қилади.



Абу Муслим (журналист, профессор)